**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори**

**__________ А. Бурханов**

**2023 йил __10__ июль**

# Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йил II ярим йиллигига мўлжалланган
# ИШ РЕЖАСИ

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Норматив-ҳуқуқий асоси | Мақсад *(кутилаётган натижа)* | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини таъминлаш | «Ijro.gov.uz» тизимида Агентлик масъул бўлган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашни назорат қилиш ҳамда бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2023 йил июль-декабрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2021 й. ПҚ-5132-сон Қарори | Агентликда ижро интизомини мустаҳкамлашга, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилишга эришилади. | Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими |
| 2. | Ҳудудлар, соҳалар ва давлат органлари кесимида коррупция даражасини рейтинг баҳолаш ишларини амалга ошириш | Вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда рейтинг баҳолашни амалга ошириш ва натижаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашига киритиб бориш. | 2023 йил ҳар чоракда | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Мамлакатда коррупция ҳолати тизимли таҳлил қилиниб, рейтинг натижалари паст бўлган ҳудудлар, соҳа ва вазирликларда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари кучайтирилади. | Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими |
| 3. | Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йилда амалга оширган ишлар бўйича йиллик ҳисоботни тузиш. | 1. Таркибий тармоқлардан 2023 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш. | 2023 йил декабрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 й. ПФ-6247-сон Фармони | Агентликнинг 2023 йил фаолияти сарҳисоб қилиниб, жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлиги таъминланади. | Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими |

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Норматив-ҳуқуқий асоси | Мақсад (*кутилаётган натижа*) | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Тақдим этилган маълумотлар асосида Агентликнинг йиллик ҳисоботини тайёрлаш. | | | | |
| 4. | Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш | 1. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари учун семинар-тренинг машғулотини ташкил этиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш.<br>2. Режа-жадвал ижроси юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Агентлик директорига тақдим этиш. | 2023 йил июль<br><br>2023 йил сентябрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 й. ПҚ-81-сон Қарори | Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимларининг соҳага оид билимлари ва кўникмалари оширилади. | Коррупцияни олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси<br><br>Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| 5. | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва унинг тизимида коррупция ҳолатларини олдини олиш борасидаги ишларни таҳлил қилиш | Олий таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” ижроси юзасидан Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши йиғилишида вазирлик ҳисоботини эшитиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш.<br>Эшитув якуни бўйича мазкур соҳада мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлаш | 2023 йил ноябрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 й. ПФ-5729-сон Фармони, Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг 05.04.2022 йилдаги 7-сонли йиғилиш баённомаси | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва унинг тизимида коррупция ҳолатларини олдини олиш, хусусан коррупцияга қарши ички назорат тизимини самарали жорий этиш, шунингдек, хавф-хатарлар юқори бўлган жараён ва муносабатларни рақамлаштириш орқали инсон омилини бартараф этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар Миллий кенгаш даражасида танқидий кўриб чиқилади ва камчиликларни бартараф | Коррупцияни олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси |

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Норматив-ҳуқуқий асоси | Мақсад (*кутилаётган натижа*) | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади. | |
| 6. | Электрон савдо порталида (Cooparation.uz) ўтказилаётган харидларни ўрганиш ва таҳлил қилиш | Электрон савдо порталидан (Cooparation.uz) маълумотларни олиб таҳлил қилиш, коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларни олдини олиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш | 2023 йил сентябрь | “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни | Коррупциявий омилларни камайтириш ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг электрон савдо порталида ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши таъминланади | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| 7. | Давлат харидлари соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш бўйича суд амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш | 1. Ўзбекистон Республикаси Олий судидан 2021-2022 йиллар ва 2023- йил 1-ярми давомида давлат харидлари соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар рўйхатини (маъмурий қарорлар) олиш ва таҳлил қилиш.<br>2. Давлат харидлари соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омилларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | 2023 йил октябрь | “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни | Давлат харидлари бўйича судлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда ягона амалиётни шакллантириш орқали мавжуд муаммо ва камчиликларнинг олди олинади. | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| 8. | Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш | Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини қуйидаги йўналишлардаги ахборотлар билан тўлдириш:<br>1. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳомийлик тариқасида олган маблағлар (буюм ва ашёлар) ҳақидаги маълумотлар.<br>2. Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда | 2023 йил сентябрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2023 й. ПФ-27-сон Фармони | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши таъминланади | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси |

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Норматив-ҳуқуқий асоси | Мақсад (кутилаётган натижа) | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | давлат унитар корхоналари томонидан ҳомийлик тариқасида берилган маблағлар ҳақидаги маълумотлар. | | | | |
| 9. | Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини мунтазам ўқитиш ва малакасини оширишга қаратилган ўқув семинарларини ташкил этиш | 1. Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини ўқитиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш.<br>2. Режа-жадвал ижроси юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Агентлик директорига тақдим этиш. | 2023 йил август<br><br>2023 йил сентябрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.06.2022 й. ПФ-154-сон Фармони | Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимлари малакаси оширилади. | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси<br><br>Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| 10. | Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган маълумотларни Интернет тармоғига жойлаштириш (эълон қилиш) ҳолатини таҳлил қилиш | 1. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган маълумотларни белгиланган муддатларда ва ресурсларда эълон қилиниши ҳолатини масофавий мониторинг қилиш.<br>2. Мониторинг натижаларига кўра топшириқлар ижроси қониқарсиз таъминланган давлат органлари ва ташкилотлари масъул ходимларига нисбатан тегишли интизомий чора қўллаш ва камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.<br>3. Мониторинг натижалари бўйича умумлаштирилган таҳлилий маълумот | 2023 йил июль | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 й. ПФ-6247-сон Фармони | Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини сифатли бажарилиши таъминланади. | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси |

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Норматив-ҳуқуқий асоси | Мақсад *(кутилаётган натижа)* | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш. | | | | |
| 11. | Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан очикликни таъминлаш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга каратилган грант лойиҳаларини эълон қилиш | 1. Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ННТлар учун грант танловларига таклифлар тақдим этиш.<br>2. Белгиланган тартибда грант танловлари эълон қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда ўтказилиши тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.<br>3. Грант танловлари ғолибларини аниқлаш ва грант лойиҳаларини амалга оширишда ННТларга кўмаклашиш. | 2023 йил июль<br><br>2023 йил июль<br><br>2023 йил сентябрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.12.2021 й. ПҚ-34-сон қарори | ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашдаги иштироки таъминланади. | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси<br><br>Бухгалтерия |
| 12. | Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тизимини жорий этишдаги эътимолий муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш | Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тизимини жорий қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва натижаси юзасидан маълумотнома киритиш. | 2023 йил октябрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тизимини жорий этиш натижасида вужудга келиши мумкин бўлган эхтимолий салбий ҳолатларнинг олди олинади | Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш бошқармаси |
| 13. | Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияларини мониторинг қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга | Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияларини самарали мониторинг қилиш ва Агентлик ҳамда тегишли ташкилот учун текшириш инструментларини жорий этиш бўйича халқаро тажрибани | 2023 йил ноябрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тизимини жорий этиш билан боғлиқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилади | Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш бошқармаси |

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Норматив-ҳуқуқий асоси | Мақсад (*кутилаётган натижа*) | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ошириш | ўрганиш, таҳлил қилиш ва натижаси юзасидан маълумотнома киритиш | | | | |
| 14. | Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни доирасида кенг кўламли Аксилкоррупция ҳафталигини ташкил этиш | Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.<br><br>Режанинг самарали амалга оширилишини ташкил этиш.<br><br>Натижалари бўйича Агентлик директорига таҳлилий маълумот тақдим этиш. | 2023 йил август<br><br>2023 йил сентябрь -декабрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш чора тадбирлари такомиллаштирилади. | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| 15. | Коррупцияга қарши курашиш жараёнларида нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини кенгайтириш | Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ва мавжуд муаммоларни аниқлашда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан ННТларнинг фикрини ўрганиш ва уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида сўровнома ўтказиш | 2023 йил сентябрь | Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Ушбу сўров натижалари коррупцияга қарши кураш фаолиятига фуқаролик жамияти институтлари, хусусан ННТларни кенг жалб қилиш шунингдек, коррупциянинг олдини олиш бўйича режа ва дастурлар, ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилади | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| 16. | Коррупцияга қарши курашиш жараёнларида ёшлар иштирокини кенгайтириш, уларни соҳага оид ўзгаришлардан хабардор қилиб бориш мақсадида семинарлар ташкил этиб бориш | 1. Олий таълим муассасаларида ёшларни коррупцияга қарши курашиш бўйича билимларини оширишга мўлжалланган ўқув семинарлари ташкил этиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш<br>2. Режа-жадвал ижроси юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Агентлик директорига тақдим этиш. | 2023 йил август<br><br>2023 йил ноябрь | Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Коррупция, унинг турли шакллари ва жамият, иқтисодий институтларга зарарли таъсири ҳақида тушунчалар оширилади, одоб-ахлоқни юксалтириш ва ҳалоллик қадриятларини сингдириш: етакчиликнинг муҳим таркибий қисмлари сифатида ахлоқий тамойиллар, ҳалоллик ва қадриятларга асосланган | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Норматив-ҳуқуқий асоси | Мақсад *(кутилаётган натижа)* | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | қарорлар қабул қилишни тарғиб қилиш ишлари мақсадли амалга оширилади. | |
| 17. | “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг” соврини учун спорт турлари бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш | 1. Спорт мусобақаларини ташкил этиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш.<br>2. Режа-жадвалга мувофиқ спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш. | 2023 йил июль-декабрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2020 й. ПФ–6099-сон Фармони | Агентлик ходимларининг соғлиги ва жисмоний тайёргарлиги мустаҳкамланади | Кадрлар тармоғи, Ишлар бошқармаси |
| 18. | Агентлик ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш | 1. Ходимларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш.<br>2. Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси бўйича амалий семинарлар ташкил этиш. | 2023 йил июль-декабрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Агентлик ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги оширилади. | Кадрлар тармоғи, Юрисконсульт |
| 19. | III Тошкент аксилкоррупция форумини ташкил этиш | 1. III Тошкент коррупцияга қарши курашиш форумини ўтказиш бўйича режа-жадвалини ишлаб чиқиш<br>2. Режа-жадвал ижроси юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Агентлик директорига тақдим этиш. | 2023 йил июль<br><br>2023 йил октябрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Ўзбекистонда соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни халқаро ҳамжамиятга етказилиб, хорижий илғор амалиёт ва халқаро стандартларни миллий қонунчиликка тадбиқ етиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади. | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| 20. | III Бизнес ҳамжамиятида ҳалоллик бизнес-форумини ташкил этиш | 1. III Бизнес ҳамжамиятида ҳалоллик бизнес-форумини ташкил этиш бўйича режа-жадвалини ишлаб чиқиш | 2023 йил июль<br><br>2023 йил октябрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон | Тадбиркорлик соҳаси вакиллари орасида ҳалоллик тамойилларини кенг тарғиб этилиб, уларни коррупцияга қарши | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик |

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Норматив-ҳуқуқий асоси | Мақсад *(кутилаётган натижа)* | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Режа-жадвал ижроси юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Агентлик директорига тақдим этиш. | | Фармони | курашиш тизимига жалб этилиш механизмини такомиллаштирилади. | бошқармаси |
| 21. | БМТнинг Коррупцияга карши конвенцияси иштирокчи-давлатлари конференциясида Агентлик вакилларининг иштирокини таъминлаш | БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси иштирокчи-давлатларининг АҚШда бўлиб ўтиши режалаштирилган 10-конференциясида иштирок этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш | 2023 йил декабрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Конвенция имплементация қилишини юзасидан хорижий давлатлар илғор тажриба ва амалиёти билан танишиб, хорижий давлатлар аксилкоррупция идоралари билан профессионал алоқаларни ўрнатиш имконияти яратилади. | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| 22. | ИҲТТ Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги ва БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси обзорига тайёргарлик кўриш | ИҲТТ Истанбул ҳаракатлар дастури мониторингининг 5-раундини ўтказиш бўйича тегишли тайёргарликларни олиб бориш.<br>БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси обзори бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш. | 2023 йил октябрь-декабрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Ўзбекистон зиммасига халқаро шартномалар билан юклатилган мажбуриятлар бажарилиши таъминланиб, тегишли ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялари олинади. | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси, барча таркибий тармоқлар |
| 23. | Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши фаолиятини самарали ташкилий-услубий қўллаб-қувватлаш | 1. Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг 2024 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Иш режа лойиҳасини Миллий кенгаш аъзолари билан келишиб, тасдиқлаш учун киритиш | 2023 йил 20 ноябрь<br>2023 йил 5 декабрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинади ва уларнинг ўз вақтида ижро этилиши таъминланади. | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси, барча таркибий тармоқлар |

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Норматив-ҳуқуқий асоси | Мақсад (кутилаётган натижа) | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 24. | Коррупцияга қарши курашиш Ҳудудий кенгашлар фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш ишларини ташкил этиш | 1. Ҳудудий кенгашлар фаолияти самарадорлиги рейтингини шакллантириш учун ҳудудларга оид маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш. | 2023 йил декабрь | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони | Ҳудудий кенгашлар фаолиятида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишларининг самарадорлиги ўрганилади ва уларнинг бу йўналишдаги рейтинги шакллантирилади. | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |